



“СТАСДИҚЛАЙМАН”

Бухоро давлат университети

ректори

А.А.Тулаганов

2017 й

## “Талабалик ҳақида маълумотнома олиш” интерактив хизматининг намунавий регламенти

### 1.Хизмат таърифи

#### 1.1.Хизмат (паспорти) номланиши

Бухоро давлат университети (Университет) расмий веб-сайти орқали  
“Талабалик ҳақида маълумотнома олиш”

#### 1.2.Хизмат натижаси

Университетда талабанинг таҳсил олаётганлиги ҳақида маълумотнома  
шакллантириш

#### 1.3.Хизмат кўрсатувчи

Хизмат университет томонидан кўрсатилади.

#### 1.4.Ҳуқуқий асослар

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Жисмоний ва юридик шахслар марказий маълумотлар базаларини шакллантириш ва “Электрон ҳукумат” тизими фойдаланувчиларини идентификациялашнинг ягона ахборот тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 2015 йил 17 декабрдаги 365-сонли қарори.
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда юридик ва жисмоний шахслар билан ўзаро ҳамкорлигини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2007 йил 23 августдаги 181-сон қарори.

#### 1.5.Хизматдан фойдаланувчилар

Жисмоний ва юридик шахслар.

#### 1.6.Ариза бериш муддатлари

Муддати чекланмаган.

#### 1.7.Бажариш муддатлари

Фойдаланувчининг хизматдан фойдаланиш ҳақидаги сўрови жўнатилиши билан автоматик тарзда маълумотнома шакллантирилади.



## **2.Хизматдан фойдаланувчиларга маълумот тақдим этиш**

### **2.1.Маълумотлар таркиби ва ҳажми**

Мазкур хизматдан фойдаланиш учун мурожаат қилган ҳар қандай фойдаланувчига қуйидаги ахборот тақдим этилади:

- хизмат кўрсатувчи органнинг жойлашган жойи, иш тартиби, мурожаатларни кўриб чиқиш шартлари ва тартиби ҳақидаги маълумот;
- хизматдан фойдаланиш учун талаб этиладиган ҳужжатлар рўйхати;
- хизматдан фойдаланиш муддатлари;
- хизматнинг регламенти мавжудлиги тўғрисида маълумот.

### **2.2.Батафсил маълумот олиш**

Университетнинг расмий (<http://buxdu.uz>) веб-сайти орқали.

### **2.3.Хизмат кўрсатиш манзили ҳақида маълумот олиш**

Бухоро вилоят, Бухоро шаҳар, М.Иқбол кўчаси, 11- уй  
Мўлжал: Абу Али ибн Сино номидаги фавворалар хиёбони  
Транспортлар: 6,76,33,75,86,88- автобусларнинг “Олмос” кафеси бекати,  
72,25,37,11- автобусларнинг “Университет ётоқхонаси” бекати.

## **3.Иш вақтлари ва мурожаат жавобларини кутиш вақтлари**

### **3.1.Иш вақтлари**

Хизмат кўрсатувчининг иш вақти: душанба-жума, соат 09:00 дан 18:00 гача.

### **3.2. Кутиш шартлари**

1-3 кун

## **4.Хизмат кўрсатиш тартиби**

### **4.1.Зарур бўлган ҳужжатлар**

-ЭРИ (электрон рақамли имзо);  
-жисмоний шахсининг шахсий идентификацион рақами (ПИНФЛ).

### **4.2.Хизмат тўлови**

Бепул.

### **4.3.Хизмат кўрсатиш босқичлари**

Университетнинг расмий (<http://buxdu.uz>) веб-сайти орқали хизмат кўрсатиш босқичлари:

- [id.gov.uz](http://id.gov.uz). орқали рўйхатдан ўтилади ва тизимга кирилади.
- “Интерактив хизматлар” бўлиmidан “Талабалик ҳақида маълумотнома олиш” хизмати танланади;
- Аризачининг шахсий идентификацион рақами (ПИНФЛ) киритилади;



- Факультет, йўналиш (мутахассислик), босқич (1-4) ва талаба таълим олаётган гуруҳ, таналанади (киритилади);
- Оммавий оферта билан танишганлик тасдиқланиб, “Электрон рақамли имзо билан юбориш” функцияси танланади ва ариза юборилади.

#### 4.4.Хизматни кўрсатишнинг ички идоравий жараёни

Университетда таҳсил олаётган талабалар рўйхати олдиндан маълумотлар базасида шакллантирилган бўлади ва фойдаланувчининг сўрови жўнатилиши билан автоматик тарзда маълумотнинг электрон нусхаси тақдим этилади.

Агар мурожаат этувчи томонидан сўралган маълумотлар базадан топилмаса, рўйхатдан ўтган электрон почта манзилига бу ҳақида маълумот масъул ходим (масъул ходимнинг Ф.И.Ш., лавозими, телефон рақами киритилади) томонидан жўнатилади. Масъул ходим қайта таҳлил қилгандан кейин талаба ҳақиқатдан университетда ўқиётган бўлса, 1 (бир) кун ичида базага киритади.

#### 4.5.Рад этиш сабаблари

- Талаба ҳақида маълумот тўғри киритилмаса;
- жисмоний шахснинг шахсий идентификацион рақами (ПИНФЛ) нотўғри киритилса.

### 5.Хизмат кўрсатиш сифати

#### 5.1.Шикоят аризасини бериш тартиби

Рад этиш ҳолларида фойдаланувчи юқори турувчи ташкилотга қонунда кўрсатилган тартибда мурожаат этиш мумкин.

**“КИРИТИЛДИ”**

Ходимлар бўлими бошлиғи

Г.Т.Жумаева

27 сентябрь 2017 й

**“КЕЛИШИЛДИ”**

Ахборот технологиялар  
маркази бошлиғи

М.З. Хусенов

“ 27 ” сентябрь 2017 й

